

**“АРУЗ” ИСТИЛОҲИНИНГ ТАЛҚИНЛАРИГА ДОИР**

Зоҳидов Муҳаммадали Шаробидинович

Имом Бухорий номидаги Тошкет ислом институти ўқитувчиси

Гарчи аруз илми қадимий тарихга эга бўлса-да, “аруз” истилоҳи талқинларига доир қарашлар пайдо бўлишидан ҳозирги кунга қадар турлича талқин қилинган. Бу борада Г. Тўйчиева: “Ўрта асрлардаёқ, аруз истилоҳини тушунтириш борасидаги фикрлар турлича бўлган ҳамда тадқиқотчилар фикрлари орасида зиддиятлар ҳам мавжуд бўлган”, деган хулосани билдиради(1,24).

Шуни ҳам айтиш керакки, “аруз” истилоҳининг тушутириш борасидаги фикрларни турлича бўлиши табиийдир. Чунки, “аруз” сўзи маълумки, араб тилида. Араб тили дунё тиллари ичида сермазмун тил ҳисобланади.

Жавҳарийгача ва унинг давридан кейин “аруз” тушунчаси шеърни вазинларини ўлчашнинг ўзига хос ишланган тартиби, ана шу тартибнинг амал қилиш ва бузилиш ҳоллари, шеър ёзишда шоир эътибор қилиши лозим бўлган ҳолатлар мажмуи тушуниланган.

Ш.Муҳамедов фикрига кўра, Халил ибн Аҳмад ўз “аруз” таълимотига терминлар танлашда бадавий араблар ҳаётида кенг тарқалган кундалик ҳўжалик ашёлари номидан фойдаланиб, “аруз” истилоҳларини ишлаб чиққан. Масалан, чодирнинг ўртасида, унинг ҳар икки томонини тираб турувчи устунга “аруз”, деб аталган. Ўтовнинг ҳар икки томони эса мисраларга тўғри келган. Яъни, мисралар аруз - чодир тиргаги орқали бир-бири билан боғланиб, байт, яъни “уй”, демак-ки чодирнинг яхлитлигини ташкл қилган.

“Аруз” термини туянинг ўзига хос қадам ташлашини ҳам, Халил ибн Аҳмад яшаган қишлоқ ёнидаги водий номини ҳам, чодир ўртасига қўйиладиган устун, яъни тиргак номини ҳам, мисра рукнлари ичида биринчи мисранинг охирги рукни номини ҳам, шу билан бирга “арз” қилиш маъносини ҳам англатади. Ваҳид Табризийнинг қайд қилишича, “Билимдонлар ўртасида “аруз”



туғрисида кўп, турли мулоҳазалар бўлсада, фақат шеър тузилишини аруз деб туғри аталган. Чунки, шеърдаги кушимча ёки етишмовчилик очик билиниб туриши учун, шеър аруз орқали ўлчанади ва шеър аруз орқали текширилади”.

Шамс Қайс Розий “Ал-Муъжам”да аруз термини хакида қуйидагича фикр билдиради: “билгил-ки, аруз поэтик нуткнинг ўлчовидир, унинг меъёридир, худди синтаксис насрий нуткнинг меъёри бўлгани каби. Унинг “аруз” деб аталишига сабаб эса, унда шеърият, яъни шеър намоён бўлади, шу боис аруз шеърда вазн борми ёки йўқми, билдириб туради.

Шамс Фахрий Исфохоний ўзининг “аруз”га бағишланган “Меъёри нусратий” ва “Меъёри жамолий” рисоаларида “аруз” терминининг ўзига хос маънолари хакида гапиради. Унинг фикрича, арузнинг маъноларидан бири “ариз” сўзига бориб тақалади. “Ариз”, яъни арз қилувчи киши – подшоҳ саройида қўшиннинг аҳволи ва таркиби хакида шоҳга маълумот такдим этувчи одамдир. Бу одам қўшиндаги барча яхши ва ёмон ҳолатлар учун жавобгардир. Демак, бирор ҳодиса хакида тўлиқ маълумот эгаси ва масъул шахсга “ариз” дейилган. Шу боис “аруз” ҳам шеър хакида тўлиқ маълумотга эга бўлиб, шеър ҳолатига масъул ҳисобланади. Демак, “аруз” шеърга масъул ва шеър хакида тўлиқ маълумот берувчи қонуниятдир.

Шамс Фахрий “аруз” терминининг яна бошқа мазмунларини келтиради. Ёмғирга тўлган, сувга бой “булут” “аруз” деб аталган. Яъни, бирор муҳим белгиларга тўйинган нарсага “аруз” дейилган. “Аруз” ҳам шеър ёзиш учун имкониятларга тўла. Булут ёмғирнинг ёғиши учун сув томчиларига тўлгани каби, “аруз” ҳам шеърнинг бунёд бўлиши учун уни вужудга келтирувчи унсурларга тўйинади.

“Аруз”, устига ўтириш қийин, яъни суворий бўлиш қийин бўлган туянинг турини ҳам англатган. Аруз назарияси ҳам анчайин қийин. Унга эгалик қилиш, яъни уни эгаллаш учун машаққат чекиш керак.

Сайфи Бухорой “Арузи Сайфий” рисоласида “аруз” терминининг етти маъносини келтиради(2,3-4). Сайфи Бухорой келтирган аруз маънолари ичида, Макканинг “номи”, “тараф”, биринчи мисра охиридаги “рукн”,



“булут”, “фан соҳалари”, “тоғдаги машаккатли йул” ва ниҳоят, яхши шеърни ёмонидан ажратиш “усули” каби маънолар мавжуд. Сайфи Бухороий айтадики, “аруз” бирор бир “томонни”, яъни “тараф” мазмунини билдиради, аруз илми ўзида бир неча илмларни жамлаганлиги сабабли, уни илмнинг “томони”, яъни илмнинг алоҳида соҳаси дейишади.

Аммо бошқалар, арузнинг таркибида учта ҳарф, яъни “ع”, “ر”, “ض” ҳарфлари мавжуд, бу уч ҳарфлар бирлиги бирор нарсани кашф қилиш, ойдинлаштириш маъносини беради, деб таъкидлашади. “Аруз” ҳам мана шундай вазнлар таркибини, уларнинг туғри ва нотуғриларини кашф қилиб, ойдинлаштириб беради”, деб уқтиради.

Алибек Рустамов, баъзилар аруз сўзининг луғавий маъноси “қийин йул”, бу илм қийин бўлгани учун уни “аруз” деб атаганлар. Айрим арузчилар бу суз “арз қилинадиган” деган маънога эга, шеърнинг вазнини аниқлаш учун бу илмга мурожаат қилинади”, яъни “арз қилиш орқали” аруз илмига етилади, деб ҳисоблайди(3,3-7).

Шамсиддин Муҳаммад Қайс Розий ўзининг “Ал-Муъжам” рисоласида “аруз орқали шеър баён, яъни “арз” қилинади, аруз орқали мавзун шеър номавзунидан ажратилади”, дейди.

Шунингдек, арабларда туянинг ўзига хос турли маромли қадам ташлаши асосида унинг минг бир номи ҳам мавжуд. Шу боис, баъзи тадқиқотчилар “аруз” туянинг саллоланиб юришига асосланиб аталган, яъни туянинг ражаз баҳри ритми асосидаги қадам ташлашига “аруз” дейилади, деб ҳисоблашади.

Алишер Навоий: “Халил ибн Аҳмад-ки, ... анинг йақинида бир водий эрмишки, ани аруз дерлар эмиш”(4,133.137), - дейди.

Халил ибн Аҳмад Маккада бўлган. “Аруз” эса Макканинг номларидан бири бўлган. Халил ибн Аҳмад илм асосларини билганидан сунг, мазкур илмни бу илм унга ойдинлашган макон, яъни муқаддас Макка шаҳри номига киёс қилиб "аруз" деб атаган. Бошқа ривоятга кўра, Макка билан Тоиф ўртасидаги маълум бир жой номини "аруз" деб аташган. Умуман олганда, аруз

истилохининг географик ном асосида таълиф этилганлиги тўғрисидаги фикрлар кўпчиликини ташкил қилади.

Араб арузини тадқиқ этган Эминжон Талабов, “аруз” сўзининг таржималари асосида унинг асл мазмунини чиқаришга ҳаракат қилади. Унингча, “аруз” истилоҳи асосида уч маъно яширинган. Улар, “арз килиш”, байтларни бирбиридан ажратувчи нукта (байтдаги биринчи мисранинг охириги рукни), яъни байтни иккига булувчи ўрин, ва ниҳоят, “тоғ бўшлиғидаги йўл”, яъни арузни эгаллаш тоғ йулида кезиш каби машаққатли ва лаззатли, деган тушунтиришларни санаб ўтади(5,52).

وَعَرَضَ الرجل، إذا أتى العروض، وهي مئة والمدينة وما حولهما. قال الشاعر:

Жавҳари “Ас-Сихоҳ” китобида қийдагиларни айтади: وَعَرَضَ الرجل, деган ибора Макка ёки Мадина ёки иккисининг атрофидаги қишлоққа келди, деганидир. Қуйидаги шеърни далил сифатида келтиради: فِيا رَاقِباً إِمّا عَرَضْتُ فَيَلْغُنْ.. دеганидир. Қуйидаги шеърни далил сифатида келтиради: فِيا رَاقِباً إِمّا عَرَضْتُ فَيَلْغُنْ.. “Мадинага бормоқ маъносида”. وَالْعَرُوضُ: طَرِيقٌ فِي الْجَبَلِ. وَبَعِيرٌ عَرُوضٌ، وَهُوَ الَّذِي إِذَا فَاتَهُ الْكَلَأُ أَكَلَ الشَّوْكَ. قال ابن السكيت: يقال عرفت ذلك في عروض كلامه، أي في فحوى كلامه ومعناه. والعروض: أруз” тоғдаги йўлдир. Ўт-ўланлар қолмаса, тиконни ҳам ейдиган туяни ҳам “аруз”, дейди. Ибну Сиккит айтади: “Фалончининг каломининг арузидан билиб олдим, дегани “кломининг тарфидан билиб олдим, деганидир”(6,302).

وَالْعَرُوضُ عَرُوضُ الشَّعْرِ، لِأَنَّ الشَّعْرَ يَعْضُ عَلَيْهِ، وَيَجْمَعُ أَعْرَاضُ،

وَالْعَرُوضُ طَرِيقٌ فِي غَرَضِ الْجَبَلِ، Халил ибн Аҳмад дейдики: “Аруз” деганда шеърнинг “арузи” англанади. “Аруз” тоғдаги йўлдир(7,64).

العين والراء والضاد بناءً تكثر فروعه، وهي مع كثرتها ترجع إلى أصل واحد، وهو العَرَضُ الذي يُخالف الطول. وَمَنْ حَقَّقَ النَّظَرَ وَدَقَّقَهُ عِلْمَ صَحَّةِ مَا قُلْنَاهُ

عَرَضَ الْمَتَاعَ يَعْضُهُ عَرَضاً. وَهُوَ كَأَنَّهُ فِي ذَاكَ قَدْ أَرَاهُ عَرَضَهُ. وَعَرَضَ الشَّيْءَ تَعْرِضاً: جَعَلَهُ عَرِضاً الْعَرَضُ: الْجَيْشُ الْعَظِيمُ

فَأَمَّا عَرُوضُ الشَّعْرِ فَقَالَ قَوْمٌ: مُشْتَقٌّ مِنَ الْعَرُوضِ، وَهِيَ النَّاحِيَةُ، كَأَنَّهُ نَاحِيَةٌ مِنَ الْعِلْمِ:



“ع”, “ر”, “ض” харфлари билан ясаладиган сўзлар жуда ҳам кўпдир. Шу билан бирга ҳамма маънолар асл маънога қайтаверади. الغرض дегани узуннинг зиддидир. Яъни, эни, кўндаланги деганидир. Кимки яхшилаб эътибор қилса, мен айтган нарсани кўради. Мисол учун: المتاع дегани “Матони кўндаланиги(эни)га кўрди” деганидир. وعرض الشيء تعريضاً дегани “Нарсани кенг ҳолатда қилди” деганидир. “Аруз” дегани “ёйилиб кетган кўп аскар”га нисбатан ҳам ишлатилади. Аммо, шеърнинг “арузи”га келсак, الغروض дан олинган бўлиб, “ноҳияси, тарафи” деганидир(8,222).

Шунингдек, “аруз” атамаси мазмуни борасида шеършунослик илми доирасидаги мавжуд фикрлар йиғиндисини умумлаштирган ҳолатда, Гулҳумор Тўйчиева тадқиқотида қуйидаги 15 та фикр билан хулоса қилади: “аруз” чодир ўртасидаги (1) “устун”, байтнинг биринчи мисраси охиридаги (2) “рукн”, шеъринг илмдаги (3) “йул” ва “томон”, шеъринг илмининг (4) “машаққати”, географик (5) “жой” номи, муқаддас Макка шаҳрининг бошқа шеъринг (6) “номланиши”, Халил ибн Аҳмад (718/х 100) яшаган жой яқинидаги (7) “водий номи”, инсон ҳолатини (8) “арз қилиш йули”, (9) “тоғ бўшлиғидаги йул”, араб (10) “туялари турларидан” бири ва туянинг маромли (11) “юриши”, сув билан тўйинган (12) “булут”, бирор бир ходиса қонуниятларини (13) “кашф қилиш”, бирор бир нарсага (14) “масъуллик” ва ниҳоят туғри вазнларни нотуғриларида ажратиш (15) “усули”га тенг келади(9,24).

Хулоса қилиб айталик, юқорида “аруз” илмига истилоҳий тариф берилаётганда, “аруз” сўзининг маънолари қанча кўп бўлса ҳам уни “шеъринг аруз”га боғлашни имкони бўлмоқда. Чунки, луғавий ва истилоҳий маънонинг орасида бир бирига маъно жиҳатидан боғлайдиган ришта бўлади. Демак, “аруз” сўзининг 15дан ортиқ луғавий маъноси бўлса ҳам, ўша ришта орқали луғавий “аруз” ни “шеъринг аруз”га таъриф сифатида қўллаш мумкин экан. Маълум бўладики, бунчалар ранг-баранглик тилнинг бой ва гўзаллигидандир. Шунингдек, “аруз” сўзининг ўзида қанчалар баҳс кўплиги “аруз” пайдо бўлганидан буён инсоният диққат марказида эканлигини билдиради. Бугинги



тадқиқотчиларнинг зиммасига ҳам келажак авлодги “аруз” фанининг асосларини етказиб бериш юклатилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Тўйчиева Гулхумор. Форс арузи рисоалари. – Тошкент:ТошДШИ,2008.

1. Сайфи Бухорий. Арузи Сайфий. – Калькутта,1898.
2. Рустамов А.Аруз ҳақида суҳбатлар. – Тошкент:Фан, 1972.
3. Алишер Навоий. Мезон ул авзон. Критик текст тайёрловчи Иззат Султон. – Т, 1949.
4. Талабов Э. Араб шеърлятида аруз тизими. ДД.ТошДШИ:2004.
5. Жавҳарий.Ас-Сихоҳ.(Матаба аш-шамила)
6. Халил ибн Аҳмад. Ал-Айн.(Матаба аш-шамила)
7. Абул Ҳусайин Аҳмад ибн Форс.Мақойисул луға. (Матаба аш-шамила)
8. Тўйчиева Гулхумор. Форс арузи рисоалари. – Тошкент:ТошДШИ,2008.